
МАРҒИЛОНДА ЭРОН СТАРТАП КОМПАНИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА ТЕХНОПАРК ҲАМДА САВДО МАЖМУАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИҲАСИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, Марғилон шаҳридаги “Mr. fish company” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси муассиси, эронлик ишбилармон Шафи Фулом Ризо ҳамда инвестор Катаюн Беҳзадини қабул қилди.

Учрашувда корхона томонидан Марғилонда амалга оширилаётган Эрон стартап компаниялари иштирокида Технопарк ҳамда савдо мажмуаси ташкил этиш лойиҳасини жадаллаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Шаҳарнинг Йўрмадўз МФЙ ҳудудидаги собиқ тўқимачилик комбинати биносида, умумий 10 гектар майдонда, 6 гектар бино иншоотда фаолият олиб бораётган “Mr. fish company” корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳамда яратилган иш ўринлари объект ҳажмига номутаносиб эканига эътибор қаратилганди. Бундан келиб чиққан ҳолда қиймати 5 млн. доллар бўлган инвестицион лойиҳа доирасида ташкил этилаётган Технопарк ҳамда савдо мажмуасида жами 500 дан зиёд доимий иш ўринлари яратилаётгани Шафи Фулом Ризо томонидан маълум қилинди.

Эрондаги кичик ва ўрта бизнеснинг инновацион компаниялари бу лойиҳага катта қизиқиш билдираётганини қайд этган ишбилармон, компаниялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бирга ўз маҳсулотларини сотиш имкониятига ҳам эга бўлишларини билдирди.

Тошкентда очилиши устида иш олиб борилаётган Эроннинг Шариф Технологиялар университетининг амалиёт бўлимини ҳам Марғилонда ташкил этилаётган Технопаркда жойлаштириш ҳамда муҳандислар тайёрлашда Фарғона политехника университети билан ҳамкорлик ўрнатиш масаласи ҳам атрафлича кўриб чиқилди.

Вилоят ҳоқими ушбу лойиҳаларни маъқуллаб, уларни муваффақиятли амалга ошиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди, вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасидан ушбу лойиҳани жадаллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш учун маъсул ходим бириктирилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-05 12:46:34